

9-10-2019

ON HISTORY OF THE FORMATION OF THE NUMERAL "ONE" IN MODERN LITERARY HINDI LANGUAGE

Sirojiddin Sultanmuratovich Nurmatov

*Doctoral student of the Department of "South and South-East Asian Languages" at Tashkent state
Institute of Oriental studies, candidate of philological Sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Nurmatov, Sirojiddin Sultanmuratovich (2019) "ON HISTORY OF THE FORMATION OF THE NUMERAL "ONE" IN MODERN LITERARY HINDI LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 6 , Article 44.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/44>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ON HISTORY OF THE FORMATION OF THE NUMERAL "ONE" IN MODERN LITERARY HINDI LANGUAGE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ҲИНДИЙ ТИЛИДАГИ “БИР” САНОҚ СОННИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИГА ДОИР

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович

Тошкент давлат шарқшунослик институти

«Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари» кафедраси докторанти, филология
фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги “бир” саноқ соннинг шаклланиш жараёнлари лисоний жиҳатдан таҳлил қилинган. Тилшунос олимларнинг илмий асарлари асосида ушбу соннинг келиб чиқиши атрофлича ўрганилган ва унинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: сон сўз туркуми, диахроник аспект, саноқ сон, бирликлар, ўнликлар, татсама, ардхататсама, тадбҳава, қадимги ҳинд-орий тиллари, ўрта ҳинд-орий тиллари, янги ҳинд-орий тиллари, очик бўгин, ёпиқ бўгин.

ОБ ИСТОРИИ СТАНОВЛЕНИЯ ЧИСЛИТЕЛЬНОГО «ОДИН» В СОВРЕМЕННОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ ХИНДИ

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович

Докторант кафедры «Языков Южной и Юго-Восточной Азии» Ташкентского
государственного института востоковедения, кандидат филологических наук

Аннотация: В этой статье рассматривается лингвистический анализ процессов становления числительного “один” на современном литературном языке хинди. На основе научных трудов ученых-лингвистов было тщательно изучено происхождение этого числительного и изучены его лингвистические особенности.

Ключовые слова: имя числительного, диахронический аспект, количественное числительное, единицы, десятки, татсама, ардхататсама, тадбхав, древние индо-арийские языки, средние индо-арийские языки, новые индо-арийские языки, открытый слог, закрытый слог.

ON HISTORY OF THE FORMATION OF THE NUMERAL "ONE" IN MODERN LITERARY HINDI LANGUAGE

Nurmatov Sirojiddin Sultanmuratovich

Doctoral student of the Department of "South and South-East Asian Languages" at
Tashkent state Institute of Oriental studies, candidate of philological Sciences

Abstract: This article talks about the linguistic analysis of the formation of the numeral “one” in the modern literary Hindi language. On the basis of scientific works of linguists the origin of this numeral was carefully studied and its linguistic features were studied.

Keywords: Word sequence, diachronic aspect, counting number, units, decimals, tatsama, ardhatatsama, tadbhava, scale, ancient Indo-Aryan Languages, Middle Indo-Aryan Languages, New Indo-Aryan Languages, open loop, closed loop.

Мазкур мақола Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг Ҳинд-орий тиллари гуруҳига хос Ҳиндий тилидаги “бир” саноқ сонининг шаклланиш босқичларини атрофлича тадқиқ этиш масалаларига бағишланган. Ҳиндий тилининг ўзига хос ривожланиш жараёнига доир кўплаб илмий ишлар амалга оширилган бўлса-ада, лекин тилшуносликнинг морфология қисмида кенг ўрганиладиган сон сўз туркумининг шаклланиш босқичлари тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Нега айнан “бир” саноқ сони?, деган савол туғилиши табиий. Ёзма ва оғзаки матнларда сонлар луғат бойлигимизда нисбатан кўп қўлланилади. Булар ичида «бир», «икки», «беш», «ўн» каби сонлар энг кўп қўлланиладиган сонларга оид ҳисобланади [6]. Айниқса, булар орасида “бир” саноқ сони ўзига хос хусусиятлари кўра бирликларга хос бўлган саноқ сонлардан ажралиб туради [2].

Мазкур мақолани ёзишда кўплаб илмий асарлар ўрганилди. Асосан Ҳинд тилшунос олимларидан Б.Тиварий [10], Ҳ.Баҳрий [13], Д.Варма [9] каби тилшунос олимлар ўз асарларида бирликларга оид сонларнинг ривожланишида “бир” саноқ сонининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Чунки, ушбу сон шаклланиши жараёнида қандай ўзгаришларга дуч келганлигига асосий эътиборни қаратганлар.

Маълумки, Ҳинд-орий тилларининг пайдо бўлиши жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Тахминларга кўра эрамиздан аввал 1500 йил аввал Ҳинд-орий тиллари шакллана бошлаган. Демак, қарийб 3500 йилдан бери ушбу тиллар ривожланиб келмоқда [7; 38].

Ҳинд тилшунос олимлари Ҳинд-орий тилларини 3 даврга бўлиб ўрганадилар.

1. Қадимги Ҳинд-орий тиллари (Эр.ав. 1500дан - эр.ав. 500-йилигача)
2. Ўрта Ҳинд-орий тиллари (Эр.ав.500дан – эрамизнинг 1000-йилигача)
3. Янги Ҳинд-орий тиллари (1000-йилдан то ҳозирги давргача) [10; 41].

Мана шу даврлар ичида янги Ҳинд-орий тиллари даврига хос бўлган ҳозирги адабий Ҳиндий тилидаги एक - (ek) – “бир” саноқ сони бир неча ўзгаришларга учраган.

Таниқли Ҳинд тилшунос олими Б.Тиварийнинг фикрича, Ҳинд-Оврўпа тиллари орасида एक (ek) – “бир” саноқ сонига ўхшаш биронта шакл учрамайди (Масалан, грек тилида – “en”, “oinos”, лотин тилида – “oinos”, “una”, инглиз тилида – “one”, немис тилида – “eins”, француз тилида “un”, “une”, рус тилида – “одинь”, қадимги форс тилида – “aiv”, авестода – “aev” ва ҳоказо) [10; 586]. Шунга асосланган ҳолда шундай фикрлар ҳам борки, санскрит ва бошқа тилларга एक (ek) – “бир” саноқ сонига хос бўлган шакл Фин-угор тилларидан ҳам кирган бўлиши мумкин. Илмий асарлардан маълумки, Ҳинд-Эрон шунингдек Фин-угор тиллари бир-биридан сўз ўзлаштирилганлиги тадқиқ этилган. Фин-угор тилларидаги “бир” саноқ сони ҳозирги адабий Ҳиндий тилидаги एक (ek) – “бир” саноқ сони билан баъзи фонетик хусусиятлари жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги кузатилади. Масалан: эстон тилида – “uks”, фин тилида – “uksi”, венгр тилида – “egi”, баъзи фин-угор тилларида “ak” шакли ҳам учрайди [10; 586]. Ҳаттоки баъзи олимлар дравид тиллари оиласига хос бўлган баъзи тиллардаги “бир” саноқ сонининг шаклланишида ҳам Фин-угор

тиллариинг ҳам таъсири бўлганлигини, таъкидлайдилар (Масалан: телегу тилида – “окаа”, бошқа дравид тилларида “ок” ва ҳоказо) [1; 97].

Юқоридаги маълумотлар албатта ҳиндий тилидаги एक (ek) – “бир” санок сони Фин-угор тилларидан ўзлашганлигига тўлақонли равишда асос бўла олмайди. Лекин, ушбу тил оилаларига хос бўлган тиллар орасида бир-бирига қисман бўлсада фонетик жиҳатдан мос тушадиган қолиплар мавжуд бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Яна бир шундай фикр-мулоҳазалар юрадики, Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласига хос тилларда एक (ek) – “бир” санок сонининг учта шакли биргина *oigos* шаклидан шакланган бўлиш эҳтимоллари ҳам бор. Лекин, буларнинг барчаси тахминий фикрлар, холос.

“Бир” санок сони қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган тиллардан бири ведик санскрит тилида – एक (ek), ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган пракрит тилида – एक (ekk), апабхаранша тилида ҳам – एक (ekk), янги ҳинд-орий тилларига хос ҳиндий тилида яна एक (ek) шаклига қайтган [9; 214]. Ваҳоланки, қоидага кўра санскритча एक (ek) шакли एअ (ea) кўринишига эга бўлиши лозим эди. एअ шакли пракрит тилларида учрайди ҳам. Унда бу क (k) товуши қаердан пайдо бўлганлиги ҳақида савол туғилади. Фикримизча, एक (ek) шакли एअ (ea) шаклига ўтиб, сўнг яна санскритча एक (ek) шакли билан уйғунлашган ва натижада एक (ekk) кўринишига эга бўлган. Демак, бу шакл тадбҳава кўринишига эга бўлмай, ардҳататсама ҳолатида шакланган.

Таъкидлаш жоизки, янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндийда एक (ek) шаклининг бири неча кўринишлари мавжуд. Масалан एक (ek) (एकता ekta – “биргалик, бирлик”), इक (ik) (इक्तीस iktiis – “ўттиз бир”, इकतालीस – “қирқ бир”, इकसठ – “олтмиш бир”, इकतरफा iktarfaa – “бир томонлама”, इकलौता iklaotaa – “якка, ёлғиз”), इक (ikk) (इक्कीस ikkiis) – “йигирма бир”), इक्य (iky) (इक्यावन ikyaavan) – “эллик бир”, इक्यासी (ikyaasii) – “саксон бир”, इк्यानवे (ikyaanve) – “тўқсон бир”), अक (ak) (अकेला akelaa) – “ёлғиз”), ग्य (gya) (ग्यारह gyaarah) – “ўн бир”) ва ҳоказо [11; 321].

Эътиборга молик жиҳати шундаки, юқоридаги एक (ek) шаклининг бир неча кўринишлари бошқа ўнликларга хос бўлган мисоллар таркибида келиши билан биргаликда ва ушбу сонларга хос бўлган вариантларда ҳам қўлланилганда айнан шу, яъни इक (ik), इक (ikk), इक्य (iky), ग्य (gya) шакллари ўз аксини топганлиги маълум бўлди. Жумладан, इक्तीस (iktiis) – इक्तीस (ikattiis) – “ўттиз бир”, इк्यानве (ikyaanve) – इк्यानве (ikyaanbe) – “тўқсон бир”, ग्यारह (gyaarah) – ग्यारा (gyaaraa) – “ўн бир” [12; 135]. Фақатгина, एक (ek) – “бир” санок сонининг इक (ikk) шаклига хос мисол учрамади. Қолган шакллarga хос мисолларнинг вариантларида ҳам айнан шу шакллар иштирок этган.

Бошқа муракаб сонлар билан бирикканда ҳам एक (ek) – “бир” санок сонининг шу каби шакллари учратишимиз мумкин. Масалан, इक्कीस (ikkis) – “йигирма бир”, इकहत्तर (ikhattar) – “етмиш бир” ва ҳоказо. Фақатгина, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ग्यारह (gyaarah) – “ўн бир” санок сонидан иштирок этаётган ग्य (gya) шакли ушбу соннинг бошқа шаклларида қўлланилганида इग ва गे шаклларида ҳам келиши

кузатилди. Масалан: इगारह (igaarah) – गेरह (gerah) – “ўн бир” санок сонида учраётган इग ва गे шакллари ग्यारह (gyaarah) – “ўн бир” санок сонининг варианты бўлиб, унинг таркибида ग्य (gya) эмас, балки इग ва गे шакллари “бир” санок сонининг маъносини англашиб келмоқда.

Янги ҳинд-орий тилларига хос бошқа тиллар мисолида ҳам ҳиндий тили шаклига ўхшаш қолиплар мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, бенгал, маратҳий ва гужаротий тилларида एक (ek) – “бир”, синдҳий тилида एक (eku) – “бир”, панжобча इਕਕ (ekk) – “бир”, сингалча एका (ekaa) – “бир” ва ҳоказо [14; 395].

Демак, ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги एक (ek) – “бир” санок сони шаклланиши жараёнида кўплаб фонетик ўзгаришларга учраган. Ушбу санок сон бошқа янги ҳинд орий тилларидаги шакллардан, қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган шаклини, яъни санскритча шаклини сақлаб қолганлиги билан ажралиб туради. Эътиборли жиҳати шундаки, янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган бошқа тилларда очиқ бўғинлик ҳолатлари кузатилса, ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги “бир” санок сони таҳлил натижаларига кўра уччала даврда ҳам, яъни қадимги, ўрта ва янги ҳинд-орий тиллари даврида ҳам фақатгина ёпиқ бўғин ҳолатида ривожланганлиги кузатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб умумий ҳолатда қуйидаги хулосаларни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

1. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги एक (ek) санок сони шаклланиши жараёнида кўплаб ўзгариш ҳолатларига учраганлиги маълум бўлди. Қадимги ҳинд-орий тиллари давридаги ведик санскритча қолип एक (ek), ўрта ҳинд-орий тиллари даврига хос пракрит тилида एकक (ekk) шаклига ўзгарган ва натижада санскритча шаклдаги एक (ek)га яна битта क (k) ундош товуши қўшилиши натижасида лигатура шакли ҳосил бўлган.

2. Қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган एक (ek) шакли एअ (ea) шаклига ўтиб, сўнг яна санскритча एक (ek) шакли билан бириккан ва натижада एकक (ekk) кўринишига эга бўлган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, бу шакл тадбҳава кўринишида эмас, балки ардҳататсама ҳолатида шаклланган.

3. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида кенг ривожланган апабҳаранша тилида ҳам एकक (ekk) шакли сақланиб қолган ва янги ҳинд-орий тиллари даврига ўтиш жараёнида у яна एक (ek) шаклига қайтган.

4. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, ҳозирги адабий ҳиндийда एक (ek) шаклининг इक (ik), इकक (ikk), इक्य (iky), ग्य (gya) каби шакллари ҳам мавжудлиги аниқланди. Улар асосан ўнликларга хос бўлган мураккаб сонлар таркибида кенг қўлланилиши кузатилди.

5. Бошқа мураккаб сонлар билан бирикканда ҳам एक (ek) – “бир” санок сонининг айнан шу шакллари учрайди. Фақатгина, ग्य (gya) шакли “ўн бир” санок сонининг бошқа шаклларида қўлланилганида इग (ig) ва गे (ge) вариантларида ҳам ифодаланиши аниқланди.

References:

1. Andronov M.S. Dravidiyskie yaziki. -M.: Nauka, 1965.
2. Asqarova M.A., Saidniyozova X.M. «Bir» soʻzining qoʻllanishi haqida // Oʻzbek tilshunosligining ayrim masalalari. Ilmiy asarlar. -Toshkent, 1972. -B.42-45.
3. Barannikov A.P. Xindustani (xindi i urdu). - M.: Izd-vo lit-ri na inostr. yaz., 1956.
4. Dimshits Z.M. Grammatika yazika xindi. T I. -M.: Nauka, 1986.
5. Nizomiddinova S. Hozirgi zamon oʻzbek tilida son. -T.: Fan, 1974.
6. Suprun A.E. Slavyanskije chislitelnie. Stanovlenie chislitelnix kak osoboy chasti rechi. - Minsk: Izd. BGU., 1969.
7. Shomatov O.N. Janubiy Osiyo tillariga kirish. I qism. -T.: ToshDSHI nashriyoti, 2003.
8. Shomatov O.N. Hindiy tilining meʼyoriy grammatikasi. -T.: ToshDSHI, 2010.
9. धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
10. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.
11. भोलानाथ तिवारी -भाषाविज्ञान संसार की भाषाएँ और उनका वर्गीकरण। -इलाहाबाद, 1996.
12. सरयुप्रसद अग्रवाल। भाषाविज्ञान और हिन्दी। -इलाहाबाद, 1997.
13. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.
14. पंडित रामचंद्र। आदर्श हिन्दी शब्दकोश। -वाराणसी, 1971.